

“KAPITAL SUG‘URTA”  
Акциядорлик жамияти  
акциядорларининг  
2025 йил 12 февралдаги навбатдан ташкари  
умумий йигилиш томонидан



“KAPITAL SUG‘URTA” ·  
AKSIYADORLIK JAMIYATI  
У С Т А В И  
(янги таҳрири)

ТОШКЕНТ –2025 йил

## I. ЖАМИЯТНИНГ НОМИ, ЖОЙЛАШГАН ЕРИ, ЭЛЕКТРОН ПОЧТА МАНЗИЛИ ВА ҲУҚУҚИЙ ҲОЛАТИ

1.1. “KAPITAL SUG‘URTA” aksiyadorlik jamiyat (кейинги ўринларда – “жамият” деб юритилади) Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни ва бошقا қонун ҳужжатларига (кейинги ўринларда – “қонун ҳужжатлари” деб юритилади) мувофиқ ташкил қилинган.

1.2. Жамиятнинг тўлиқ фирма номи:

ўзбек тилида:

- кирилл ёзувида: “KAPITAL SUG‘URTA” акциядорлик жамияти;
- лотин ёзувида: “KAPITAL SUG‘URTA” aksiyadorlik jamiyat.

рус тилида: Акционерное общество “KAPITAL SUG‘URTA”;

инглиз тилида: “KAPITAL SUG‘URTA” joint-stock company.

1.3. Жамиятнинг қисқартирилган фирма номи:

ўзбек тилида:

- кирилл ёзувида: “KAPITAL SUG‘URTA” АЖ;
- лотин ёзувида: “KAPITAL SUG‘URTA” AJ.

рус тилида: АО “KAPITAL SUG‘URTA”;

инглиз тилида: “KAPITAL SUG‘URTA” JSC.

1.4. Жамиятнинг жойлашган ери (почта манзили): 100000, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек тумани, Махатма Ганди кўчаси, 44-йй.

1.5. Жамиятнинг расмий веб-сайти: [www.kapitalsugurta.uz](http://www.kapitalsugurta.uz). Жамиятнинг электрон почта манзили: [office@kapitalsugurta.uz](mailto:office@kapitalsugurta.uz)

1.6. Жамият юридик шахс бўлиб, у ўз мустақил балансида ҳисобга олинадиган алоҳида мол-мulkка, шу жумладан ўзининг устав фондига (устав капиталига) берилган мол-мulkka эга бўлади. Жамият ўз номидан мулкий ва шахсий номулкий ҳуқуқларни олиши ҳамда амалга ошириши, зиммасига мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

1.7. Жамият Ўзбекистон Республикаси худудида ва ундан ташқарида банк ҳисобваракларий очишга ҳақлидир.

1.8. Жамият ўзининг фирма номи давлат тилида тўлиқ ёзилган ҳамда жойлашган ери кўрсатилган юмалоқ муҳрга эга бўлиши лозим. Муҳрда бир вақтнинг ўзида фирма номи бошқа исталган тилда ҳам кўрсатилиши мумкин.

1.9. Жамият ўзининг номи ёзилган штамп ва бланкаларга, ўз тимсолига, шунингдек белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган товар белгисига ҳамда фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг, товарларнинг, ишларнинг ва хизматларнинг хусусий аломатларини акс эттирувчи бошқа воситаларга эга бўлишга ҳақли.

1.10. Жамият ўз мажбуриятлари юзасидан ўзига тегишли барча мол-мulk билан жавобгар бўлади.

1.11. Акциядорлар жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди ва унинг фаолияти билан боғлик зарарларнинг ўрнини ўзларига тегишли акциялар қиймати доирасида қоплаш таваккалчилигини ўз зиммасига олади.

Акцияларнинг ҳақини тўлиқ тўламаган акциядорлар жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан ўзларига тегишли акциялар қийматининг тўланмаган қисми доирасида солидар жавобгар бўлади.

1.12. Жамият ўз акциядорларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

1.13. Жамият филиаллар ташкил этишга ва ваколатхоналар очишга ҳақли.

Жамиятнинг филиали ва ваколатхонаси юридик шахс бўлмайди. Улар жамиятнинг Кузатув

кенгashi томонидан тасдиқланган низом асосида иш юритади. Жамиятнинг филиалга ва ваколатхонага бериб қўйилган мол-мулки жамиятнинг балансида ҳисобга олинади. Филиаллар давлат тилидаги ўз номи ёзилган думалоқ муҳрга, штампга ва ўз номидаги бланкаларга эга.

## **II.ЖАМИЯТНИНГ ФАОЛИЯТ СОҲАСИ (АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ), МАҚСАДИ ВА МУДДАТЛАРИ**

2.1. Жамият фаолиятининг асосий мақсади юридик ва жисмоний шахсларга суғурта хизматлари кўрсатиш орқали Ўзбекистон Республикасида суғурта соҳаси ривожланишига ўз ҳиссасини қўшиш ҳамда суғурта фаолиятидан даромад олиш ҳисобланади.

2.2. Жамият фаолиятининг асосий йўналишлари кўйидагилардир:

суғурта ва қайта суғурта қилиш фаолияти;

маҳсус ваколатли давлат органи белгилайдиган тартибда ва шартларда инвестиция фаолиятини амалга ошириш;

қимматли қофозлар бозорида инвестиция воситачиси сифатида профессионал фаолиятни амалга ошириш;

суғурта (қайта суғурта қилиш) соҳасидаги мутахассислар малакасини ошириш билан боғлиқ фаолиятни, шунингдек суғурта агенти сифатида суғурта воситачилигини амалга ошириш;

чет эл суғурталовчилари га сюрвейер ва аджастер хизматларини кўрсатиш;

конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа фаолият турларини амалга ошириш.

2.3. Жамият ўз фаолиятини қонун ҳужжатларига мувофиқ олинган лицензия асосида амалга оширади.

2.4. Жамият чекланмаган муддатга таъсис этилган.

## **III.ЖАМИЯТНИНГ УСТАВ ФОНДИ (УСТАВ КАПИТАЛИ)**

3.1. Жамиятнинг устав фонди (устав капитали) акциядорлар олган жамият акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади ва Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида ифодаланади. Жамият томонидан чиқариладиган барча акцияларнинг номинал қиймати бир хил бўлиши керак. Жамиятнинг устав фонди (устав капитали) жамият мол-мулкининг жамият кредиторлари манфаатларини кафолатлайдиган энг кам микдорини белгилайди. Жамият оддий акцияларни жойлаштириши шарт, шунингдек имтиёзли акцияларни жойлаштиришга ҳақли.

3.2. Жамиятнинг устав фондининг (устав капиталининг) микдори 45 000 000 000 (кирқ беш миллиард) сўмни ташкил қиласди ва номинал қиймати 0,01 (ноль бутун юздан бир) сўм бўлган 3 600 000 000 000 (уч триллион олти юз миллиард) дона эгасининг номи ёзилган оддий ҳамда 900 000 000 000 (тўққиз юз миллиард) дона эгасининг номи ёзилган имтиёзли акциялардан иборат.

3.3. Жамиятнинг устав фонди (устав капитали) қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин.

Кўшимча акциялар факт мазкур Уставда белгиланган, эълон қилинган акцияларнинг сони доирасида жамият томонидан жойлаштирилиши мумкин.

3.4. Жамият томонидан устав фондини (капиталини) кўпайтириш мақсадида чиқариладиган, эълон қилинган акцияларнинг сони 10 000 000 000 000 (ён триллион) донани ташкил этади, шу жумладан:

эгасининг номи ёзилган оддий акциялар – номинал қиймати 0,01 (ноль бутун юздан бир) сўм бўлган 7 500 000 000 000 (етти триллион беш юз миллиард) дона микдорда;

эгасининг номи ёзилган имтиёзли акциялар – номинал қиймати 0,01 (ноль бутун юздан бир) сўм бўлган 2 500 000 000 000 (икки триллион беш юз миллиард) дона микдорда.

3.5. Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш тўғрисидаги ва мазкур Уставга тегишли ўзгартишлар киритиш ҳақидаги қарорлар жамият Акциядорларининг умумий йигилиши ёки агар Акциядорлар умумий йигилишининг

қарорига мувофик жамиятнинг Кузатув кенгашига шундай қарорлар қабул қилиш хукуки берилган бўлса, жамиятнинг Кузатув кенгаши томонидан қабул қилинади.

3.6. Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш тўғрисидаги қарорда жойлаштириладиган қўшимча оддий акцияларнинг ва имтиёзли акцияларнинг сони, уларни жойлаштириш муддатлари ва шартлари белгиланган бўлиши керак.

Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш жойлаштирилган қўшимча акцияларнинг номинал қиймати микдорида рўйхатдан ўтказилади. Бунда мазкур Уставда кўрсатилган, эълон қилинган муайян турдаги акцияларнинг сони ушбу турдаги жойлаштирилган қўшимча акцияларнинг сонига камайтирилиши керак.

Жамият тегишли бошқарув органи томонидан қабул қилинган қўшимча акцияларни чиқариш ҳақидаги қарор жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш тўғрисидаги қарордир.

Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш жалб қилинган инвестициялар, жамиятнинг ўз капитали ва ҳисобланган дивидендлар ҳисобидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилиши мумкин.

Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) унинг ўз капитали ҳисобидан кўпайтиришда қўшимча акциялар барча акциядорлар ўртасида тақсимланади. Бунда ҳар бир акциядорга қайси турдаги акциялар тегишли бўлса, айни ўша турдаги акциялар унга тегишли акциялар сонига мутаносиб равишда тақсимланади. Жамиятнинг устав фонди (устав капитали) кўпайтирилиши натижасида кўпайтириш суммасининг битта акциянинг номинал қийматига мувофиқлиги таъминланмайдиган бўлса, жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтиришга йўл қўйилмайди.

Жойлаштирилган имтиёзли акцияларнинг номинал қиймати Жамият устав капиталининг йигирма беш фоизидан ошмаслиги керак.

3.7. Жамият томонидан акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган, ҳақи пул маблағлари билан тўланадиган эмиссиявий қимматли қофозларни жойлаштиришда овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар уларни имтиёзли олиш хукуқига эга. Акциядор, шу жумладан акциядорларнинг умумий йигилишида қарши овоз берган ёхуд унда иштирок этмаган акциядор акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган эмиссиявий қимматли қофозларни ўзига тегишли шу турдаги акциялар микдорига мутаносиб микдорда имтиёзли олиш хукуқига эга.

Имтиёзли хукуқка эга бўлган шахсларнинг рўйхати қимматли қофозларни чиқариш тўғрисидаги қарор қабул қилинган санадаги жамият акциядорлари реестрининг маълумотлари асосида тузилади.

Имтиёзли хукуқ амалга оширилган тақдирда, акциядорлар акцияларнинг ва акцияларга айирбошланадиган эмиссиявий қимматли қофозларнинг факат бутун микдорини олиши мумкин.

3.8. Жамиятнинг қўшимча акцияларига ушбу акцияларни чиқариш тўғрисидаги қарорда кўрсатилган жойлаштириш муддати ичida ҳақ тўланиши лозим.

3.9. Жамиятнинг акцияларини ва бошқа қимматли қофозларини жойлаштириш чоғида уларга ҳақ тўлаш пул ва бошқа тўлов воситалари, мол-мулк, шунингдек пулда ифодаланадиган баҳога эга бўлган хукуклар (шу жумладан мулкий хукуклар) орқали амалга оширилади.

3.10. Агар жамиятнинг пулдан ўзга воситалар билан ҳақи тўланаётган акциялари ва бошқа қимматли қофозларининг номинал қиймати қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақининг икки юз бараваридан кўпни ташкил этса, жамиятнинг акциялари ва бошқа қимматли қофозларининг ҳақи сифатида киритилаётган мол-мулкнинг пулда ифодаланган баҳоси баҳоловчи ташкилот томонидан чиқарилиши зарур.

Конун ҳужжатларида жамият акциялари ҳамда бошқа қимматли қофозлари ҳақи сифатида тўланиши мумкин бўлган мол-мулк турларига чекловлар белгиланиши мумкин.

3.11. Жамиятнинг устав фонди (устав капитали) акцияларнинг номинал қийматини камайтириш ёки акцияларнинг умумий сонини қисқартириш йўли билан, шу жумладан акцияларнинг бир қисмини кейинчалик бекор қилган ҳолда жамият томонидан акцияларни

олиш йўли билан камайтирилиши мумкин.

3.12. Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) акцияларнинг бир қисмини олиш ва бекор қилиш йўли билан камайтиришга йўл қўйилади.

3.13. Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) камайтириш тўғрисидаги ва мазкур Уставга тегишли ўзгартишлар киритиш ҳақидаги қарорлар жамият Акциядорларининг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) камайтириш тўғрисида қарор қабул қилинаётганда Акциядорларнинг умумий йиғилиши устав фондини (устав капиталини) камайтириш сабабларини кўрсатади ва уни камайтириш тартибини белгилайди.

3.14. Жамият устав фондини (устав капиталини) камайтириш тўғрисида қарор қабул қилинган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай ўз кредиторларини бу ҳақда ёзма шаклда хабардор қиласди. Кредиторлар жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) камайтириш тўғрисида ўзларига билдириш юборилган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай жамиятдан ўз мажбуриятларини муддатидан олдин бажаришини ва устав фонди (устав капитали) камайтирилиши билан боғлиқ заарларнинг ўрнини қоплашини талаб қилишга ҳақли.

#### **IV. ЖАМИЯТ АКЦИЯЛАРИ**

4.1. Акциялар эгасининг номи ёзилган эмиссиявий қимматли қоғозлар бўлиб, улар турига кўра оддий ва имтиёзли бўлиши мумкин.

4.2. Оддий акциялар овоз берувчи акциялар бўлиб, улар ўз эгасига дивидендлар олиш, жамиятни бошқаришда иштирок этиш хукуқини беради.

4.3. Ўз эгаларига дивидендларни, шунингдек жамият тугатилаётганда акцияларга қўйилган маблагларни биринчи навбатда олиш хукуқини берадиган акциялар имтиёзли акциялардир. Имтиёзли акциялар ўз эгаларига жамият фойда кўриш-кўрмаслигидан қатъи назар, муайян дивидендлар олиш хукуқини беради.

4.4. Акциянинг эгаси бўлган акциядорга овозга қўйилган масалани ҳал этишда овоз бериш хукуқини берадиган оддий ёки имтиёзли акция жамиятнинг овоз берувчи акциясидир.

4.5. Жамият тугатилаётганда имтиёзли акциялар бўйича тўланадиган дивиденднинг миқдори ва (ёки) қиймати акциядорлар умумий йиғилишининг қарори билан белгиланади.

Имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар йил якунлари бўйича акциялар номинал қийматининг 25 фоизи миқдорида тўланади. Имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаш ҳақидаги қарор акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши томонидан жамиятнинг Кузатув кенгашининг тавсияси асосида қабул қилинади. Имтиёзли акциялар бўйича дивидендларнинг миқдори жамиятнинг Кузатув кенгashi тавсия

этган миқдордан кўп бўлиши мумкин эмас.

Дивиденд миқдори акциядорлар умумий йиғилишининг қарори билан белгиланмаган такдирда, имтиёзли акцияларнинг эгалари оддий (одатдаги) акцияларнинг эгалари билан баравар дивидендлар олиш хукуқига эга.

4.6. Имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар Акциядорларнинг умумий йиғилишида жамиятни қайта ташкил этиш ва тугатиш тўғрисидаги масалалар ҳал этилаётганда овоз бериш хукуқи билан иштирок этади. Имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар акциядорларнинг умумий йиғилишида мазкур Уставга имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларнинг хукуқларини чеклайдиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги масалалар, шу жумладан аввалги навбатдаги имтиёзли акциялар бўйича тўланадиган дивиденднинг миқдорини белгилаш ёки кўпайтириш ва (ёки) тугатилиш қийматини белгилаш ёки кўпайтириш масалалари, шунингдек имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларга дивиденд ва (ёки) бу акцияларнинг тугатилиш қийматини тўлаш навбати бўйича имтиёзлар бериш ҳоллари ҳал этилаётганда овоз бериш хукуқини олади.

4.7. Имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар акциядорларнинг умумий йигилиши ваколат доирасига кирадиган масалалар бўйича овоз бериш хукуки билан акциядорларнинг умумий йигилишида иштирок этиш хукукига имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинмаган ёки дивидендларни тўлиқ тўламаслик тўғрисида қарор қабул қилинган акциядорларнинг йиллик умумий йигилишидан кейинги йигилишдан бошлаб эга бўлади. Имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларнинг жамият Акциядорлари умумий йигилишида иштирок этиш хукуки мазкур акциялар бўйича дивидендлар биринчи марта тўлиқ микдорда тўланган пайтдан эътиборан бекор қилинади.

4.8. Жамият қонун ҳужжатларига ва мазкур Уставга мувофиқ корпоратив облигацияларни ва бошқа қимматли қоғозларни чиқаришга ҳамда жойлаштиришга ҳақли.

Жамиятнинг корпоратив облигациялари жамият акцияларига айирбошланадиган қимматли қоғозлар бўлиши мумкин.

Жамият томонидан корпоратив облигацияларни чиқариш, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган корпоратив облигацияларни чиқариш Кузатув кенгашининг қарорига кўра амалга оширилади.

Жамият томонидан Кузатув кенгашининг қарорига кўра акцияларга айирбошланадиган корпоратив облигациялар чиқарилган тақдирда, мазкур қарор Кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши керак.

## **V. ДАРОМАД (ФОЙДА)НИ, ДИВИДЕНДЛАРНИ ТАҚСИМЛАШ ВА ЗАРАРНИ ҚОПЛАШ ТАРТИБИ**

5.1. Дивиденд жамият соф фойдасининг акциядорлар ўртасида тақсимланадиган қисмидир.

Жамият акцияларнинг ҳар бир тури бўйича эълон қилинган дивидендларни тўлаши шарт.

5.2. Дивиденд акциядорлар ўртасида уларга тегишли акцияларнинг сони ва турига мутаносиб равишда тақсимланади.

5.3. Дивиденд Акциядорларнинг умумий йигилиши қарорига кўра пул маблағлари ёки бошқа қонуний тўлов воситалари ёхуд жамиятнинг қимматли қоғозлари билан тўланиши мумкин.

Жамиятнинг имтиёзли акциялари бўйича дивидендларни қимматли қоғозлар билан тўлашга йўл қўйилмайди.

5.4. Жамият молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ойи натижаларига кўра ва (ёки) молиявий йил натижаларига кўра, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида белгиланмаган бўлса, жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

5.5. Жамиятнинг молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги ва тўққиз ойи натижаларига кўра дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарори тегишли давр тугагандан кейин уч ой ичida қабул қилиниши мумкин.

5.6. Акцияларнинг ҳар бир тури бўйича дивидендлар тўлаш, дивиденднинг миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисидаги қарор Кузатув кенгашининг тавсияси, молиявий ҳисоботнинг ишончлилиги ҳақида аудиторлик хulosаси мавжуд бўлган тақдирда, молиявий ҳисобот маълумотлари асосида Акциядорларнинг умумий йигилиши томонидан қабул қилинади.

Дивидендларнинг миқдори Кузатув кенгashi томонидан тавсия этилган миқдордан кўп бўлиши мумкин эмас. Акциядорларнинг умумий йигилиши акцияларнинг муайян турлари бўйича дивидендлар тўламаслик тўғрисида, шунингдек мазкур Уставда дивиденд миқдори белгилаб қўйилган имтиёзли акциялар бўйича тўлиқ бўлмаган миқдорда дивидендлар тўлаш ҳақида қарор қабул қилишга ҳақли.

5.7. Дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарорда дивидендлар тўлаш бошланадиган ва тугалланадиган саналар кўрсатилган бўлиши лозим.

5.8. Дивидендлар жамиятнинг жамият тасарруфида қоладиган соф фойдасидан ва (ёки) ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасидан тўланади. Имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар жамиятнинг бунинг учун маҳсус мўлжалланган фондлари ҳисобидан ҳам тўланиши мумкин.

Жамият томонидан оддий акциялар бўйича ҳисобланган дивидендларни тўлаш акциядорларнинг дивидендларни олишга бўлган тенг хукуқларига риоя этилган ҳолда амалга оширилади.

5.9. Дивидендларни тўлаш муддати ва тартиби акциядорларнинг умумий йигилиши карорида белгиланади. Дивидендларни тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан олтмиш кундан кеч бўлмаслиги лозим.

5.10. Дивидендларни тўлаш чоғида биринчи навбатда имтиёзли акциялар бўйича, сўнгра оддий акциялар бўйича дивидендлар тўланади. Имтиёзли акциялар бўйича қатъий белгиланган дивидендларни тўлаш учун етарли миқдорда фойда мавжуд бўлган тақдирда жамият мазкур акцияларнинг эгаларига дивидендлар тўлашни рад этишга ҳақли эмас. Жамият рад этган тақдирда акциядорлар дивидендлар тўланишини суд тартибида талаб қилиши мумкин. Жамият етарли миқдорда фойдага эга бўлмаган ёки зарар кўриб ишлётган тақдирда, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар жамият томонидан жамиятнинг факат шу мақсад учун ташкил этилган захира фонди ҳисобидан ва ушбу фонд доирасида тўланиши мумкин.

5.11. Жамият Ўзбекистон Республикаси норезидент акциядорининг ёзма талабига кўра унга ҳисобланган дивидендларни эркин айирбошланадиган валютага айирбошлаб, маблағларни норезидент акциядор тақдим этган банк ҳисобварағига ўтказиб бериши шарт.

5.12. Жамият акциядорларининг реестридан олинган, жамият томонидан тасдиқланган кўчирма ҳамда жамият бухгалтериясининг ҳисобланган дивидендлар суммаси ва улар ҳисобланган сана тўғрисидаги маълумотномаси айирбошлаш учун асос бўлиб хизмат қиласи.

5.13. Эгаси ёки эгасининг қонуний хукуқий вориси ёхуд меросхўри томонидан уч йил ичида талаб қилиб олинмаган дивиденд акциядорларнинг умумий йигилиши қарорига кўра жамият ихтиёрида қолади.

5.14. Акциядорларга дивидендларни тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган акциядорларнинг умумий йигилишини ўтказиш учун шакллантирилган жамият акциядорларининг реестрида қайд этилган шахслар акциялар бўйича дивиденд олиш хукуқига эга.

#### 5.15. Жамият:

жамият устав фондининг (устав капиталининг) ҳаммаси унинг таъсис этилиши чоғида тўлиқ тўлаб бўлингунинга қадар;

агар дивидендлар тўланадиган пайтда жамиятда банкротлик белгилари мавжуд бўлса ёки жамиятда шундай белгилар дивидендларни тўлаш натижасида пайдо бўлса;

агар жамият соф активларининг қиймати унинг устав фонди (устав капитали) ва захира фонди суммасидан кам бўлса, акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳамда дивидендлар тўлашга ҳақли эмас.

Мазкур бандда кўрсатилган ҳолатлар тугатилгач, жамият ҳисобланган дивидендларни акциядорларга тўлаши шарт.

5.16. Жамият дивидендларнинг миқдорини улардан ундириладиган соликларни инобатга олмаган ҳолда эълон қиласи. Жамият тўланадиган дивидендлар миқдори тўғрисидаги маълумотларни қимматли қофозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг ва жамиятнинг расмий веб-сайтларида қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда эълон қиласи.

5.17. Дивидендларга солик солиш солик тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади ва бунда солик солиш бўйича имтиёзлар белгиланиши мумкин.

## **VI. ЖАМИЯТНИНГ ФОНДЛАРИ ВА СОФ АКТИВЛАРИ**

6.1. Жамиятда унинг устав фондининг (устав капиталининг) ўн беш фоизи миқдорида захира фонди ташкил этилади. Жамиятнинг захира фонди мазкур Уставда белгиланган миқдорга етгунига қадар соф фойдадан ҳар йилги мажбурий ажратмалар орқали шакллантирилади.

6.2. Ҳар йилги ажратмаларнинг миқдори захира фондининг мазкур Уставда белгиланган миқдорига етгунига қадар жамият соф фойдасининг камида беш фоизи миқдорида белгиланади.

Захира фонди жамият устав фондининг (устав капиталининг) ўн беш фоизига етганидан кейин эса – ҳар йилги ажратмалар миқдори жамият соф фойдасининг 0,5 фоизи миқдорида белгиланади.

6.3. Бошқа маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда жамиятнинг захира фонди жамиятнинг зарарлари ўрнини қоплаш, жамиятнинг корпоратив облигацияларини муомаладан чиқариш, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаш ва жамиятнинг акцияларини қайтариб сотиб олиш учун мўлжалланади.

Жамиятнинг захира фондидан бошқа мақсадлар учун фойдаланиш мумкин эмас.

6.4. Жамият соф активларининг қиймати бухгалтерия ҳисоби маълумотлари бўйича, жамият активлари ва мажбуриятларининг умумий суммаси ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади.

6.5. Агар иккинчи молия йили ва ундан кейинги ҳар бир молия йили тугаганидан кейин акциядорларнинг умумий йигилишига тасдиқлаш учун тақдим этилган йиллик бухгалтерия балансига ёки аудиторлик текшируви натижасига мувофиқ жамият соф активларининг қиймати унинг устав фондидан (устав капиталидан) оз бўлиб чиқса, жамият ўз устав фондини (устав капиталини) соф активлари қийматидан ошиб кетмайдиган миқдоргача камайтириши шарт.

6.6. Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) камайтириш ёки жамиятни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинмаган тақдирда унинг акциядорлари, кредиторлари, шунингдек ваколатли давлат органлари жамиятни суд тартибида тугатишни талаб қилишга ҳақли.

6.7. Қонун хужжатларига мувофиқ жамиятда бошқа фондлар ҳам ташкил этилиши мумкин.

6.8. Жамиятнинг захира фондидан ва бошқа фондларидан фойдаланиш Кузатув кенгаши томонидан амалга оширилади.

## **VII. ЖАМИЯТ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

### **7.1. Акциядорлар:**

жамият акциядорларининг реестрига киритилиш;

депозитарийдаги депо ҳисобварағидан ўзига тааллукли кўчирма олиш;

жамият фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш;

жамият тугатилган тақдирда ўзларига тегишли улушга мувофиқ мол-мулкнинг бир қисмини олиш;

Акциядорларнинг умумий йиғилишларида овоз бериш орқали Жамиятни бошқаришда иштирок этиш;

жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотни белгиланган тартибда олиш;

олган дивидендини эркин тасарруф этиш;

қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;

ўзига етказилган зарарнинг ўрни қопланишини белгиланган тартибда талаб қилиш;

ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмаларга ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларига бирлашиш;

қимматли қоғозларни олишда заар қўриш, шу жумладан бой берилган фойда эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчилкларни сұғурта қилиш хуқуқига эга.

Акциядорлар қонун хужжатларига ва мазкур Уставга мувофиқ бошқа хуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Акциядор томонидан хуқуқларнинг амалга оширилиши бошқа акциядорларнинг хуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги лозим.

Акцияларни бошқа шахсга беришга доир чеклов белгиланиши акциядорни - мазкур акциялар эгасини қонун хужжатларида белгиланган тартибда жамиятни бошқаришда иштирок этиш ва улар бўйича дивиденdlар олиш хуқуқидан маҳрум қилмайди.

Акциядорлар овоз беришда ўз позицияларини шакллантириш мақсадида акциядорлик келишувларини тузишлари мумкин.

7.2. Акцияларга бўлган хуқуқлар акцияларни олувчига унинг депо ҳисобварагига тегишли кирим ёзуви киритилган пайтдан эътиборан ўтади ва қонун хужжатларида белгиланган тартибда депозитарий томонидан бериладиган депо ҳисобварагидан кўчирма билан тасдиқланади.

Акция билан тасдиқланадиган хуқуқлар уларни олувчига ушбу қимматли қоғозга бўлган хуқуқлар ўтган пайтдан эътиборан ўтади.

7.3. Жамият акциядорлари қўйидаги мажбуриятларга эга:

жамият Устави талабларига риоя қилиш;

қонун хужжатлари, жамият устави ва Акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорларида назарда тутилган тартибда, миқдорда, шаклларда ва муддатларда жамият акциялари ҳақини тўлаш;

жамият фаолияти тўғрисидаги сир тутилган ахборотни ошкор килмаслик;

ўз манзили (жойлашуви), электрон почта манзили ва бошқа маълумотлари ўзгарган тақдирда бундай ўзгариш содир бўлган кундан бошлаб 15 кундан ошмаган муддатда жамиятни хабардор қилиш. Бундай маълумотлар хабар қилинмаган тақдирда жамият хабар қилмаслик оқибатида акциядорга етказилган зарар учун жавобгар бўлмайди;

махфий маълумотларни ошкор этмаслик.

7.4. Акциядорлар қонун хужжатлари ҳамда Уставда назарда тутилган бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўладилар.

## VIII.ЖАМИЯТНИНГ БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ

8.1. Акциядорларнинг умумий йиғилиши, Кузатув кенгаши ва Ижроия органи жамиятнинг бошқарув органларидир.

Жамият фаолиятини самарали ташкил этиш ва устав фондига (устав капиталига) хорижий инвесторларни жалб этиш, Ижроия органлари, меҳнат жамоаси вакиллари ўртасида ўзаро муносабатлар тизимини таъминлаш Корпоратив бошқарув кодекси ва жамиятнинг локал хужжатлари асосида амалга оширилади.

8.2. Жамиятда Корпоратив маслаҳатчи лавозими жорий этилиши мумкин. Корпоратив маслаҳатчи жамиятнинг Кузатув кенгашига ҳисобдор бўлади ва корпоратив қонун хужжатларига риоя этилиши назорат қилиш вазифасини бажаради.

## IX.ЖАМИЯТ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ

9.1. Акциядорларнинг умумий йиғилиши жамиятнинг юқори бошқарув органидир.

9.2. Жамият ҳар йили Акциядорларнинг умумий йиғилишини (Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини) ўтказиши шарт.

Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши молия йили тугаганидан кейин олти ойдан кечиктирмай ўтказилади. Жамият акциядорларининг навбатдаги (йиллик) умумий йиғилиши ҳар йили коида тариқасида 20-30 июн кунларидан бирида ўтказилади. Зарурат бўлганда, жамият Кузатув кенгаши акциядорларни амалдаги қонун хужжатларида белгиланган тартибда олдиндан хабардор қилган ҳолда, Йиллик акциядорлар умумий йиғилишини ушбу бандда белгиланган муддатгача ўтказиш хуқуқига эга.

Акциядорларнинг йиллик умумий йигилишида жамиятнинг Кузатув кенгашини ва Тафтиш комиссиясини (тафтишчисини) сайлаш тўғрисидаги, жамиятнинг яккабошлиқ асосидаги ижроия органи, ишончли бошқарувчи билан тузилган шартноманинг муддатини узайтириш, уни қайта тузиш ёки бекор қилиш мумкинлиги ҳақидаги масалалар ҳал этилади, шунингдек қонун хужжатларига мувофиқ жамиятнинг йиллик ҳисботи, жамият Ижроия органи ва Кузатув кенгашининг жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисботлари ва бошқа хужжатлари кўриб чиқилади.

Жамият овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик килувчи акциядорлар (акциядор) жамиятнинг молия йили тугаганидан кейин тўқсон кундан кечиктирмай акциядорларнинг йиллик умумий йигилиши кун тартибига масалалар киритишга ҳамда жамият Кузатув кенгаси ва Тафтиш комиссиясига (тафтишчилигига) бу органнинг миқдор таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар кўрсатишга ҳакли, бундан кузатув кенгашининг мустакил аъзолигига номзодлар кўрсатиш мустасно.

Акциядорларнинг умумий йигилишини жамият Кузатув кенгашининг раиси, у узрли сабабларга кўра бўлмаган тақдирда эса, Кузатув кенгаси аъзоларидан бири олиб боради.

Акциядорларнинг умумий йигилишини ўтказиш чогида умумий йигилишда, кун тартибидаги масалаларни мухокама қилиш ва овозга қўйилган масалалар бўйича қарорлар қабул қилишда иштирок этиш имкониятини берадиган ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланилиши мумкин.

9.3. Акциядорларнинг йиллик умумий йигилишидан ташқари ўтказиладиган умумий йигилишлари навбатдан ташқари йигилишларdir.

9.4. Акциядорларнинг умумий йигилишини ўтказиш санаси ва тартиби, йигилиш ўтказилиши ҳакида акциядорларга хабар бериш тартиби, Акциядорларнинг умумий йигилишини ўтказишга тайёргарлик вақтида акциядорларга бериладиган материалларнинг (ахборотнинг) рўйхати Кузатув кенгаси томонидан белгиланади.

9.5. Акциядорлар умумий йигилишининг ваколат доирасига қўйидагилар киради:

9.5.1. жамият Уставига ўзгартиш ва кўшимчалар киритиш ёки жамиятнинг янги таҳрирдаги Уставини тасдиқлаш;

9.5.2. жамиятни қайта ташкил этиш;

9.5.3. жамиятни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралиқ ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;

9.5.4. жамият Кузатув кенгашининг ва Миноритар акциядорлар қўмитасининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

9.5.5. эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;

9.5.6. жамият устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш;

9.5.7. жамият устав фондини (устав капиталини) камайтириш;

9.5.8. ўз акцияларини олиш;

9.5.9. жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш, Ижроия органини тузиш, Кузатув кенгашининг жамият Ижроия органи раҳбарини сайлаш (тайинлаш) ва унинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш тўғрисидаги қарорларини тасдиқлаш;

9.5.10. жамият Тафтиш комиссиясининг аъзоларини (тафтишчисини) сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, шунингдек Тафтиш комиссияси (тафтишчи) тўғрисидаги низомни тасдиқлаш;

9.5.11. жамиятнинг йиллик ҳисботини, шунингдек жамият фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чиқсан ҳолда жамиятни ўрта муддатга ва узоқ муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиқлаш;

9.5.12. жамиятнинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш;

9.5.13. жамият Кузатув кенгашининг ва Тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан жамиятни бошқаришга доир қонун хужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан Кузатув

кенгашининг ҳисоботларини ва Тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) хulosаларини эшлиши;

9.5.14. Акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш;

9.5.15. акцияларни майдалаш ва йириклиштириш;

9.5.16. қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда жамият томонидан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

9.5.17. мажбурий аудиторлик текширувани ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш, ушбу ташкилотнинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;

9.5.18. қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш.

9.6. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар Жамиятнинг ижроия органи ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас.

Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар фақат қонун ҳужжатлари ва мазкур Уставда назарда тутилган ҳолларда Кузатув кенгаши ҳал қилиши учун берилиши мумкин.

9.7. Овозга қўйилган масала бўйича Акциядорлар умумий йиғилишининг қарори, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида белгиланмаган бўлса, жамиятнинг овоз берувчи акциялари эгалари бўлган, йиғилишда иштирок этаётган акциядорларнинг қўпчилик (оддий қўпчилик) овози билан қабул қилинади.

Қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда, шунингдек мазкур Уставнинг 9.5.1, 9.5.2, 9.5.3, 9.5.5., 9.5.13., 9.5.17-бандларида кўрсатилган масалалар бўйича қарор акциядорлар умумий йиғилиши томонидан Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этаётган овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларнинг тўртдан уч қисмидан иборат кўпчилик (малакали кўпчилик) овози билан қабул қилинади.

9.8. Акциядорларнинг умумий йиғилишида овозга қўйилган, ҳал қилиш чоғида жамиятнинг оддий ва имтиёзли акциялари эгалари бўлган акциядорлар овоз бериш хукуқига эга бўладиган масала юзасидан овозларни санаб чиқиш овоз берувчи акцияларнинг барчаси бўйича биргаликда амалга оширилади.

9.9. Акциядорларнинг умумий йиғилишида овозга қўйилган масалалар бўйича куйидагилар овоз бериш хукуқига эга бўлади:

жамиятнинг оддий акциялари эгалари бўлган акциядорлар;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда жамиятнинг имтиёзли акциялари эгалари бўлган акциядорлар.

9.10. Акциядорлар умумий йиғилишини олиб бориш тартиби бўйича Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан қарор қабул қилиш тартиби жамиятнинг акциядорлар умумий йиғилиши қарори билан тасдиқланган бошқа ҳужжатларида белгилаб қўйилади.

9.11. Акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибига киритилмаган масалалар бўйича қарор қабул қилишга, шунингдек кун тартибига ўзгартиришлар киритишга ҳакли эмас.

9.12. Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар, шунингдек овоз бериш якунлари қонун ҳужжатлари ҳамда мазкур Уставда назарда тутилган тартиб ва муддатларда, бироқ бу қарорлар қабул қилинган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай акциядорлар эътиборига етказилади.

9.13. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабар акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида йигирма бир кундан кечиктирмай, лекин узоғи билан ўттиз кун олдин Корпоратив ахборотнинг ягона порталаида, жамиятнинг расмий веб-сайтида, оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади, шунингдек акциядорларга электрон почта орқали юборилади.

9.14. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабарда куйидагилар кўрсатилиши керак:

жамиятнинг номи, жойлашган ери (почта манзили) ва электрон почта манзили;

умумий йиғилиш ўтказиладиган сана, вақт ва жой;  
жамият акциядорларининг реестри шакллантириладиган сана;  
умумий йиғилиш кун тартибига киритилган масалалар;  
умумий йиғилишни ўтказишга тайёргарлик кўрилаётганда акциядорларга ва давлат вакилига тақдим этилиши лозим бўлган ахборот (материаллар) билан акциядорларни ва давлат вакилини танишириш тартиби.

9.15. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўрилаётганда акциядорларга ва давлат вакилига тақдим этилиши лозим бўлган ахборотга (материалларга) жамиятнинг йиллик ҳисботи, жамиятнинг йиллик молия-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари юзасидан жамият Тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) ва аудиторлик ташкилотининг хulosаси, Кузатув кенгашининг Бош директор, Ишончли бошқарувчи билан тузилган шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш, шартномани қайта тузиш ёки бекор қилиш мумкинлиги тўғрисидаги хulosаси, шунингдек Кузатув кенгashi ҳамда Тафтиш комиссияси аъзолигига (тафтишчилигига) номзодлар тўғрисидаги маълумотлар, Уставга киритиладиган ўзгартиш ва қўшимчалар лойихаси ёки жамиятнинг янги таҳрирдаги Устави лойихаси киради.

Аффилланган шахслар билан тузилган битимлар тўғрисидаги ахборот, шу жумладан аффилланган шахсларнинг ёзма билдиришлари ва битимлар бўйича қабул қилинган карорларнинг тўлиқ таърифлари, қарор қабул қилган шахслар ҳақидаги маълумотлар ҳамда аффилланган шахслар билан битимлар тузиш чоғидаги манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги маълумотлар жамият йиллик ҳисботининг бир қисмидир.

Бунда, Жамият ўзи ва аффилланган шахс ўртасида тузилган битим ҳақидаги ахборотни битим тузилган пайтдан эътиборан 72 соат ичida Корпоратив ахборотнинг ягона порталида ҳамда жамиятнинг расмий веб-сайтида ошкор этиши шарт.

9.16. Жамият овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядорлар (акциядор) жамиятнинг молия или тугаганидан кейин тўқсон кундан кечиктирмай, Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига масалалар киритишга ҳамда Кузатув кенгashi ва Тафтиш комиссиясига (тафтишчилигига) бу органнинг миқдор таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар кўрсатишга ҳақли.

Акциядорлар (акциядор) Кузатув кенгashi ва Тафтиш комиссиясига (тафтишчилигига) ўzlari кўрсатган номзодлар рўйхатига акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисидаги хабар эълон қилинган санадан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай ўзгаришлар киритишга ҳақли.

Акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига масала уни қўйиш сабаблари, масалани киритаётган акциядорларнинг (акциядорнинг) исми-шарифи (номи), уларга тегишли акцияларнинг сони ва тури кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда киритилади.

Кузатув кенгashiga ва Тафтиш комиссиясига (тафтишчилигига) номзодлар кўrсатиш тўғрисида таклифлар киритилганда, шу жумладан ўзини ўзи номзод қилиб кўrсатилган тақдирда номзоднинг исми-шарифи, унга тегишли акцияларнинг сони ва тури (агар номзод жамият акциядори бўлса), шунингдек номзодни кўrсатаётган акциядорнинг исми-шарифи (номи), уларга тегишли акцияларнинг сони ва тури кўrсатилади.

9.17. Кузатув кенгashi тушган таклифларни кўриб чиқиши ҳамда Уставнинг 9.16-бандида белгиланган муддат тугаганидан сўнг ўн кундан кечиктирмай уларни Акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибига киритиш тўғрисида ёки мазкур кун тартибига киритишни рад этиш ҳақида қарор қилиши шарт.

9.18. Акциядорлар (акциядор) томонидан киритилган масала Акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига, худди шунингдек кўrсатилган номзодлар Кузатув кенгashiga ва Тафтиш комиссиясига (тафтишчилигига) сайлов бўйича овоз бериш учун номзодлар рўйхатига киритилиши керак, куйидаги ҳоллар бундан мустасно:

Уставнинг 9.16-бандида белгиланган муддатга акциядорлар (акциядор) томонидан риоя этилмаган бўлса;

акциядорлар (акциядор) Уставнинг 9.16-бандида назарда тутилган миқдордаги жамиятнинг овоз берувчи акцияларининг эгаси бўлмаса;

Уставнинг 9.16-бандида назарда тутилган маълумотлар тўлиқ бўлмаса; таклифлар қонун ҳужжатлари мазкур Устав талабларига мувофиқ бўлмаса.

9.19. Кузатув кенгашининг масалани Акциядорлар умумий йигилишининг кун тартибига ёки номзодни Кузатув кенгашига ва Тафтиш комиссиясига (тафтишчилигига) сайлов бўйича овоз бериш учун номзодлар рўйхатига киритишни рад этиш тўғрисидаги асослантирилган қарори масалани киритган ёки таклиф тақдим этган акциядорларга (акциядорга) қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай юборилади.

9.20. Акциядорларнинг умумий йигилишини ўтказишга тайёргарлик кўрилаётганда Кузатув кенгashi, қонун ҳужжатлари ёки мазкур Уставда назарда тутилган ҳолларда эса, умумий йигилишни чакиравчи шахслар қуидагиларни белгилайди:

умумий йигилиш ўтказиладиган сана, вақт ва жойни;

умумий йигилишнинг кун тартибини;

умумий йигилиш ўтказиш учун жамият акциядорларининг реестри шакллантириладиган санани;

умумий йигилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларга ва давлат вакилига хабар қилиш тартибини;

умумий йигилишни ўтказишга тайёргарлик кўрилаётганда акциядорларга ва давлат вакилига тақдим этиладиган ахборот (материаллар) рўйхатини;

овоз бериш бюллетенининг шакли ва матнини.

Аниқ масала қўйилишини акс эттирмайдиган таърифларнинг (шу жумладан, “турли масалалар”, “бошқа масалалар”, “ўзга масалалар” ва шу сингари таърифларнинг) акциядорларнинг умумий йигилиши кун тартибига киритилишига йўл қўйилмайди.

9.21. Акциядорларнинг умумий йигилиши ўтказиладиган сана уни ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан йигирма бир кундан кам ва ўттиз кундан кўп этиб белгиланиши мумкин эмас.

9.22. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йигилиши Кузатув кенгашининг қарорига кўра унинг ўз ташаббуси асосида, Тафтиш комиссиясининг (тафтишчининг) ёзма талаби, шунингдек ёзма талаб тақдим этилган санада Жамият овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) ёзма талаби асосида ўтказилади.

9.23. Овозларни санаб чикиш, акциядорларнинг умумий йигилишида иштирок этиши учун акциядорларни рўйхатга олиш, шунингдек овоз бериш бюллетенларини тарқатиш учун Кузатув кенгashi томонидан Саноқ комиссияси тузилиб, унинг аъзолари сони ва шахсий таркиби акциядорларнинг умумий йигилиши томонидан тасдиқланади.

9.24. Саноқ комиссиясининг таркиби камида уч кишидан иборат бўлиши керак. Саноқ комиссияси таркибига Кузатув кенгашининг, Тафтиш комиссиясининг аъзолари (тафтишчиси), жамият Бош директори, Ишончли бошқарувчи, шунингдек ана шу лавозимларга номзоди кўрсатилган шахслар кириши мумкин эмас.

Саноқ комиссияси акциядорларнинг умумий йигилишида кворум бор ёки йўқлигини аниқлайди, умумий йигилишда овоз бериш ҳукукларининг акциядорлар (уларнинг вакиллари) томонидан амалга оширилиши муносабати билан юзага келадиган масалаларни тушунтиради, овозга қўйиладиган масалалар бўйича овоз бериш тартибини тушунтиради, овоз беришнинг белгиланган тартиби ва акциядорларнинг овоз беришда иштирок этиш ҳукукларини таъминлайди, овозларни санаб чиқади ва овоз бериш якунларини чиқаради, овоз бериш якунлари тўғрисида баённома тузади, овоз бериш бюллетенларини жамиятнинг архивига топширади.

9.25. Акциядорларнинг умумий йигилишида иштирок этиш ҳукуки акциядор томонидан шахсан ёки унинг вакили орқали амалга оширилади.

Акциядор акциядорларнинг умумий йигилишидаги ўз вакилини исталған вақтда алмаштиришга ёки йигилишда шахсан ўзи иштирок этишга хақлиdir.

9.26. Агар Акциядорларнинг умумий йигилишида иштирок этиш учун рўйхатдан

ўтказиш тугалланган пайтда жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами эллик фоизидан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатли (кворумга эга) бўлади.

9.27. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун кворум бўлмаса, акциядорларнинг такорий умумий йиғилишини ўтказиш санаси эълон қилинади. Акциядорларнинг такорий умумий йиғилишини ўтказишида кун тартибини ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

Агар акциядорларнинг ўтказилмай қолган йиғилиши ўрнига чақирилган такорий умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами қирқ фоизидан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг такорий умумий йиғилиши ваколатли бўлади.

Акциядорларнинг такорий умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисида хабар қилиш Уставнинг 9.13-бандида назарда тутилган муддатларда ва шаклда амалга оширилади.

9.28. Кворум бўлмаганлиги сабабли акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш санаси 20 кундан кам муддатга кўчирилган тақдирда, умумий йиғилишда иштирок этиш хуқуқига эга бўлган акциядорлар ўтказилмай қолган умумий йиғилишда иштирок этиш хуқуқига эга бўлган акциядорларнинг реестрига мувофиқ аниқланади.

9.29. Акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз бериш “жамиятнинг овоз берувчи битта акцияси - битта овоз” принципи бўйича амалга оширилади, Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш бўйича кумулятив овоз беришни ўтказиш ҳоллари бундан мустасно.

9.30. Акциядорларнинг умумий йиғилишида кун тартиби масалалари бўйича овоз бериш овоз бериш бюллетенлари орқали амалга оширилади ёки масофадан туриб ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда.

Овоз бериш бюллетенларининг шакли ва матни Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланади, акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши Кузатув кенгаши томонидан чақирилмаган ҳоллар бундан мустасно. Овоз бериш бюллетени умумий йиғилишда иштирок этиш учун рўйхатдан ўтган акциядорга (унинг вакилига) берилади.

Овоз бериш бюллетенида: Жамиятнинг тўлиқ фирма номи, акциядорлар умумий йиғилишини ўтказиш санаси, вақти ва жойи, овоз беришга кўйилган ҳар бир масаланинг таърифи ва уни кўриб чиқиш навбати, овоз беришга кўйилган ҳар бир масала бўйича “ёқлайман”, “қаршиман” ёки “бетарафман” деган мазмундаги сўзлар билан ифодаланган овоз бериш вариантлари кўрсатилган бўлиши (бундан овоз беришга кўйилган масалага “ёқлайман” деган мазмундаги сўз билан ифодаланадиган кумулятив овоз бериш мустасно), овоз бериш бюллетени акциядор (унинг вакили) томонидан имзоланиши лозимлиги тўғрисидаги кўрсатма бўлиши керак.

Жамиятнинг Кузатув кенгаши ёки Тафтиш комиссияси аъзосини (тафтишчисини) сайлаш тўғрисидаги масала юзасидан овоз бериш ўтказилган тақдирда, овоз бериш бюллетенида номзод тўғрисидаги маълумотлар, унинг фамилияси, исми, отасининг исми кўрсатилиши лозим.

Акциядорларнинг умумий йиғилишида кун тартибидаги масалалар бўйича ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб овоз берилганда овоз бериш бюллетенларидан фойдаланилмайди. Бунда овозга кўйилган масалалар бўйича қабул қилинган қарорнинг қонунийлиги акциядорни акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатга олишда фойдаланиладиган электрон рақамли имзо билан тасдиқланади.

9.31. Овоз берилганида овоз берувчи қайси масала бўйича эҳтимол тутилган овоз бериш варианларидан фақат битгасини қолдирган бўлса, ўша масала бўйича берилган овозлар ҳисобга олинади. Мазкур талабни бузган ҳолда тўлдирилган овоз бериш бюллетенлари ҳақиқий эмас деб топилади ва улардаги масалалар бўйича берилган овозлар ҳисобга олинмайди.

Агар овоз бериш бюллетенида овозга кўйилган бир нечта масала кўрсатилган бўлса,

бир ёки бир нечта масалага нисбатан мазкур банднинг биринчи кисмида кўрсатилган талабга риоя этилмаганлиги бюллетенниг умуман ҳақиқий эмас деб топилишига сабаб бўлмайди.

9.32. Овоз бериш якунлари бўйича Саноқ комиссияси овоз бериш якунлари тўғрисида баённома тузади, баённома жумладан акциядорлар умумий йиғилишининг кворуми мавжудлиги тўғрисидаги маълумотларни ҳам ўз ичига олади ва Саноқ комиссиясининг аъзолари томонидан имзоланади.

Овоз бериш якунлари тўғрисида баённома тузилганидан ва акциядорлар умумий йиғилишининг баённомаси имзоланганидан кейин овоз бериш бюллетенлари Саноқ комиссияси томонидан муҳрланади ҳамда сақлаб қўйиш учун жамиятнинг архивига топширилади.

Овоз бериш якунлари тўғрисидаги баённома Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомасига қўшиб қўйилиши лозим.

Овоз бериш якунлари акциядорларнинг овоз бериш ўтказилган умумий йиғилишида ўқиб эшигтирилади, шунингдек акциядорларнинг умумий йиғилиши ёпилганидан кейин овоз бериш якунлари тўғрисидаги ҳисботни эълон қилиш орқали акциядорлар эътиборига етказилади.

9.33. Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомаси акциядорларнинг умумий йиғилиши ёпилганидан кейин ўн кундан кечиктирмай икки нусхада тузилади. Ҳар иккала нусха ҳам умумий йиғилишда раислик қилувчи ва умумий йиғилиш котиби томонидан имзоланади.

Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомасида:

акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилган сана, вақт ва жой;

Жамиятнинг овоз берувчи акцияларига эгалик қилувчи акциядорлар эга бўлган овозларнинг умумий сони;

умумий йиғилишда иштирок этган акциядорлар эга бўлган овозларнинг сони;

умумий йиғилишнинг раиси (раёсати) ва котиби, йиғилиш кун тартиби кўрсатилади.

Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомасида маърузаларнинг асосий қоидалари, овозга қўйилган масалалар ҳамда улар юзасидан ўтказилган овоз бериш якунлари, йиғилиш қабул қилган қарорлар кўрсатилиши лозим.

## X. ЖАМИЯТНИНГ КУЗАТУВ КЕНГАШИ

10.1. Жамиятнинг Кузатув кенгаши Жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, қонун хужжатлари ва ушбу Устав билан акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалаларни ҳал этиш бундан мустасно.

Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра жамият Кузатув кенгашининг аъзоларига улар ўз вазифаларини бажариб турган давр учун ҳақ тўланиши ва (ёки) Кузатув кенгашининг аъзоси вазифаларини бажариш билан боғлиқ харажатларининг ўрни қопланиши мумкин. Бундай ҳақ ва тўловларнинг микдорлари акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорида белгиланади.

10.2. Кузатув кенгашининг ваколат доирасига қўйидагилар киради:

10.2.1. жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чоратадбирлар тўғрисида жамият ижроия органининг ҳисботини мунтазам равишда эшишиб борган ҳолда жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;

10.2.2. акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақириш, бундан қонун хужжатларида назарда тутилган ҳоллар мустасно;

10.2.3. акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш;

10.2.4. акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;

10.2.5. акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳакида хабар қилиш учун жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини белгилаш;

10.2.6. жамият Уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш тўғрисидаги масалаларни акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун киритиш;

- 10.2.7. мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;
- 10.2.8. ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек ҳар чоракда унинг ҳисоботларини эшитиб бориш;
- 10.2.9. жамият ижроия органининг фаолиятига дахлдор ҳар кандай ҳужжатлардан эркин фойдаланиш ва Кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу ҳужжатларни Ижроия органидан олиш. Кузатув кенгаши ва унинг аъзолари олинган ҳужжатлардан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши мумкин;
- 10.2.10. жамиятнинг Тафтиш комиссияси аъзоларига (тафтишчисига) тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорлари юзасидан тавсиялар бериш;
- 10.2.11. дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;
- 10.2.12. жамиятнинг захира фондидан ва бошқа фондларидан фойдаланиш;
- 10.2.13. жамиятнинг филиалларини ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш ва улар тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш;
- 10.2.14. жамиятнинг шўйба ва тебе хўжалик жамиятларини ташкил этиш;
- 10.2.15. баланс қиймати ёки олиш қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада жамият соф активлари миқдорининг ўн беш фоизидан эллик фоизигачасини ташкил этувчи мол-мулк хусусида йирик битим тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилиш, кундалик хўжалик фаолиятини юритиш жараёнида тузиладиган битимлар ҳамда акцияларни ва бошқа қимматли қоғозларни жойлаштириш билан боғлиқ бўлган битимлар бундан мустасно;
- 10.2.16. жамиятнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузиш;
- 10.2.17. жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- 10.2.18. қонун ҳужжатларига мувофиқ акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;
- 10.2.19. жамият томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- 10.2.20. қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- 10.2.21. жамиятнинг Ижроия органини тузиш, унинг раҳбарини сайлаш (тайинлаш), раҳбарнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;
- 10.2.22. Ижроия органига тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорларини белгилаш;
- 10.2.23. жамиятнинг йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш.
- 10.2.24. аудиторлик текширувни ўтказиш (мажбурий аудиторлик текшируви бундан мустасно), аудиторлик ташкилотини белгилаш, унинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;
- 10.2.25. Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш масалаларини, шунингдек жамият Уставига жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш ҳамда жамиятнинг эълон қилинган акциялари сонини камайтириш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;
- 10.2.26. қонун ҳужжатлари, ушбу Устав ва Кузатув кенгаши тўғрисидаги Низомда назарда тутилган Кузатув кенгаши ваколатларига киритилган бошқа масалаларни ҳал қилиш;
- 10.2.27. Қонун ҳужжатлари, ушбу Устав ва Кузатув кенгаши тўғрисидаги низом ва жамият бошқа локал ҳужжатларида назарда тутилган Кузатув кенгаши ваколатларига киритилган бошқа масалаларни ҳал қилиш.
- 10.2.28. Жамиятнинг Корпоратив маслаҳатчисини тайинлаш ва унинг фаолияти тартибини белгилайдиган низомни тасдиқлаш.
- 10.2.29. Қўмиталар ташкил этиш ва улар фаолиятини тартибга солувчи низомларни тасдиқлаш.

10.3. Кузатув кенгашининг ваколатлариға киритилган масалалар ҳал қилиш учун Жамият ижроия органига ўтказилиши мумкин эмас.

10.4. Кузатув кенгашининг аъзолари қонун ҳужжатларида ва мазкур Уставда назарда тутилган тартибда Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан уч йил муддатга сайланади.

Кузатув кенгashi таркибиға сайланган шахслар чекланмаган тарзда қайта сайланиши мумкин.

Жамият ижроия органи раҳбари жамиятнинг Кузатув кенгашига сайланиши мумкин эмас.

10.5. Кузатув кенгашининг сон таркиби 9 кишини ташкил этади. Жамият Кузатув кенгashi таркибиға камида бир нафар мустақил аъзо киритилиши керак, ушбу аъзо ҳар йили қайта сайланиши мумкин.

10.6. Кузатув кенгashi аъзолари сайлови кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади.

Кумулятив овоз беришда ҳар бир акциядорга тегишли овозлар сони Кузатув кенгашига сайланиши лозим бўлган шахслар сонига кўпайтирилади ва акциядор шу тариқа олинган овозларни битта номзодга тўлиқ беришга ёки икки ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида тақсимлашга ҳақли.

Энг кўп овоз тўплаган номзодлар Кузатув кенгашининг таркибиға сайланган деб хисобланади.

10.7. Кузатув кенгашининг раиси, Кузатув кенгashi аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан, ушбу кенгashi таркибидан Кузатув кенгashi аъзолари томонидан сайланади.

Кузатув кенгashi ўз раисини Кузатув кенгashi аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан қайта сайлашга ҳақли.

Кузатув кенгашининг раиси унинг ишини ташкил этади, Кузатув кенгashi мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади, мажлисларда баённома юритилишини ташкил этади, Акциядорларнинг умумий йиғилишида раислик қилади.

Кузатув кенгашининг раиси бўлмаган тақдирда унинг вазифасини Кузатув кенгашининг аъзоларидан бири амалга оширади.

10.8. Кузатув кенгашининг мажлиси Кузатув кенгашининг раиси томонидан унинг ўз ташаббусига кўра, Кузатув кенгashi, Тафтиш комиссияси (тафтишчисининг), бош директорнинг, бир фоиздан кам бўлмаган оддий акция эгалари, шунингдек мазкур Уставида белгилangan бошқа шахсларнинг талабига кўра чақирилади.

Кузатув кенгashi мажлисини чақириш тўғрисидаги талаб Кузатув кенгashi раиси номига ёзма шаклда берилиб, унда қўйидагилар кўрсатилган бўлиши керак:

мажлисни чақириш талаби билан чиққан шахс(орган) тўғрисидаги маълумотлар;

мажлис кун тартиби буйича таклифлар;

мажлисни чақириш учун асослар:

а) кўриб чиқилиши лозим бўлган ҳужжат ва материаллар (мавжуд бўлганда);

б) мажлисни чақириш талаби билан чиққан шахс (орган)нинг жойлашган манзили;

в) мажлисни чақириш талаби билан чиққан шахснинг имзоси.

Мажлисни чақириш талаби билан чиққан шахс (орган) қўйидаги хукуқларга эга:

Кузатув кенгashi кун тартибида қўйилган масалалар бўйича қарор лойиҳасини таклиф этиш;

Кузатув кенгashi мажлиси ўтказиладиган кун ва вақт борасида таклиф киритиш;

Кузатув кенгashi мажлисида учинчи шахсларнинг иштироки борасида таклиф бериш;

Кузатув кенгashi мажлисини ўтказиш тартиби бўйича таклифлар бериш ва қонун ҳужжатларида белгилangan бошқа хукуқлар.

Кузатув кенгashi раиси тушган таклифни кўриб чиқиши ҳамда таклиф олинган кундан бошлаб ўн кундан кечиктирмай Кузатув кенгashi мажлисини чақиришни ташкил этиши ёки Кузатув кенгashi мажлисини чақириш тўғрисидаги таклиф қонун ҳужжатлари ва

мазкур Уставда белгиланган талабларга зид бўлганда, мажлис кун тартибига киритилиши таклиф этилган масала Кузатув кенгаши ваколат доирасига кирмаган ҳолларда бундай таклифни рад этилиши тўғрисида Кузатув кенгашини чақириш талаби билан чиқсан шахсни (органи) ёзма равишда хабардор қилиши шарт.

Кузатув кенгаши мажлиси ўтказиладиган сана, вақт ва жой, мажлиснинг кун тартиби, мажлисни чақириш талаби билан чиқсан шахс (орган) тўғрисидаги маълумот (мажлис Кузатув кенгаши раиси таклифи билан чақирилмаган ҳолларда)ни ўз ичига олган ёзма хабарнома Кузатув кенгаши аъзолариға факс ёки электрон почта манзилига Кузатув кенгаши мажлиси ўтказилишига камида уч кун қолганда Кузатув кенгаши котиби томонидан юбориш йўли билан маълум қилинади.

Кузатув кенгаши аъзолариға Кузатув кенгаши мажлисини чақириш тўғрисидаги хабарнома матни Кузатув кенгаши раиси томонидан тасдиқланади.

10.9. Кузатув кенгашининг мажлисини ўтказиш учун кворум Кузатув кенгашига сайланган аъзоларнинг етмиш беш фоизидан кам бўлмаслиги керак.

Кузатув кенгаши аъзоларининг сони мазкур Уставда назарда тутилган микдорнинг етмиш беш фоизидан кам бўлган тақдирда, Кузатув кенгашининг янги таркибини сайлаш учун Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириши шарт. Кузатув кенгашининг қолган аъзолари акциядорларнинг бундай навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилишга, шунингдек жамият ижроия органи раҳбарининг ваколатлари муддатидан илгари тугатилган тақдирда, унинг вазифасини вақтинча бажарувчини тайинлашга ҳақлиdir.

10.10. Кузатув кенгашининг мажлисида қарорлар, агар Кузатув кенгашининг мажлисини чақириш ва ўтказиш тартибини белгиловчи қонун хужжатларида ҳамда мазкур Уставда ўзгача қоида назарда тутилмаган бўлса, мажлисида ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Кузатув кенгашининг мажлисида масалалар ҳал этилаётганда Кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси битта овозга эга бўлади.

Аффилланган шахс билан тузилаётган битимни маъқуллаш ҳақидаги қарор мажлисида иштирок этаётган жамият кузатув кенгаши аъзолари томонидан бир овоздан ёхуд акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этаётган акциядорларнинг малакали кўпчилик овози билан қабул қилинади. Бунда жамиятнинг аффилланган шахси билан активларининг қиймати жамият соғ активлари қийматининг ўн ёки ундан кўп фоизини ташкил этадиган битим тузиш тўғрисидаги қарор мол-мулкнинг қонун хужжатларига мувофиқ баҳоловчи ташкилот томонидан белгиланган бозор қиймати ҳисобга олинган, мустақил ташкилоти аудиторлик ташкилоти томонидан битимнинг шартлари ўрганилган ҳолда мажбурий тартибда қабул қилинади.

10.11. Кузатув кенгашининг бир аъзоси ўз овозини Кузатув кенгашининг бошқа аъзосига беришига йўл қўйилмайди.

Кузатув кенгаши аъзоларининг овозлари тенг бўлган тақдирда Кузатув кенгаши томонидан қарор қабул қилишда Кузатув кенгаши раиси ҳал қилувчи овоз ҳукуқига эга.

10.12. Кузатув кенгашининг мажлисида баённома юритилади. Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлис ўтказилганидан сўнг ўн кундан кечиктирмай тузилади. Мажлис баённомасида қуйидагилар кўрсатилади:

мажлис ўтказилган сана, вақт ва жой;

мажлисда ҳозир бўлган шахслар;

мажлиснинг кун тартиби;

овоз беришига қўйилган масалалар, улар юзасидан ўтказилган овоз бериш якунлари; қабул қилинган қарорлар.

Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлисда иштирок этаётган Кузатув кенгаши аъзолари томонидан имзоланади, улар мажлис баённомаси тўғри расмийлаштирилиши учун жавобгар бўлади.

Кузатув кенгашининг қарорлари сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) Кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши мумкин.

10.13. Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси имзоланган куни Жамиятнинг

Ижроия органига ижро этиш учун топширилади. Кузатув кенгаши Акциядорларнинг умумий йигилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилган тақдирда мазкур қарор ҳақидаги ахборот жамиятнинг Ижроия органига Кузатув кенгашининг мажлиси ўтказиладиган куни топширилади.

10.14. Энг муҳим масалаларни кўриб чиқиш ва жамиятнинг Кузатув кенгашига ва Ижроия органига тавсиялар тайёрлаш учун кузатув Кенгаши аъзолари орасидан қўмиталар ташкил этилиши мумкин.

Акциялари фонд биржасининг биржа котировкаси варағига киритилган жамият фақат мазкур жамият Кузатув кенгашининг аъзоларидан таркиб топган Аудит қўмитасини ташкил этиши шарт. Жамиятнинг ички аудит хизмати ўз фаолиятида Аудит қўмитасига ҳисобдордир.

Қўмиталарни шакллантириш ва уларнинг ишлаш тартиби, сони ва таркиби жамиятнинг Кузатув кенгаши тўғрисидаги низомда белгиланади.

10.15. Акциялари фонд биржасининг биржа котировкаси варағига киритилган жамият кузатув кенгаши таркибига камида бир нафар мустақил аъзо киритилиши керак, ушбу аъзо ҳар йили қайта сайланиши мумкин.

Кўйидаги шахс кузатув кенгашининг мустақил аъзоси деб эътироф этилади:

сўнгги уч йил мобайнида жамиятда ва (ёки) унинг афилланган шахсларида ишламаган шахс;

жамиятнинг акциядорлари ва (ёки) афилланган шахснинг таъсисчиси (акциядори, иштирокчиси) бўлмаган шахс;

жамиятнинг ва (ёки) афилланган шахснинг йирик мижози ва (ёки) йирик етказиб берувчиси билан фуқаролик-хукуқий муносабатларда бўлмаган шахс. Бунда кайси мижоз ва етказиб берувчи билан энг кам иш хаққининг икки минг бараваридан қўп бўлган суммага тенг амалдаги шартнома мавжуд бўлса, ўшалар йирик мижоз ва йирик етказиб берувчи деб эътироф этилади;

жамият ва (ёки) унинг афилланган шахслари билан бирор-бир келишувга эга бўлмаган шахс, бунда кузатув кенгаши аъзосининг вазифалари ва функциялари бажарилишини таъминлаш билан боғлиқ бўлган ҳоллар мустасно;

жамиятнинг бошқарув ва ички назорат органларининг ва (ёки) унинг афилланган шахсларнинг аъзоси бўлган шахснинг ёки сўнгги уч йил ичida уларга аъзо бўлган шахснинг эри (хотини), ота-онаси (фарзандликка олувчиси), фарзанди (фарзандликка олинган боласи), туғишиган ва ўгай акаси (укаси) хамда опаси (синглиси) бўлмаган шахс;

давлат бошқаруви органининг ёки давлат корхонасининг ходими бўлмаган шахс.

## XI.ЖАМИЯТНИНГ ИЖРОИЯ ОРГАНИ

11.1. Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилиш ваколати жамиятнинг Ижроия органи раҳбари – Бош директор томонидан амалга оширилади.

Жамият Ижроия органининг ваколатига жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилишга доир барча масалалар киради, Акциядорлар умумий йигилишининг ёки Кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар бундан мустасно.

11.2. Жамиятнинг Ижроия органи Акциядорлар умумий йигилишининг ва Кузатув кенгашининг қарорлари бажарилишини ташкил этади.

**Бош директорнинг ваколатига қўйидагилар киради:**

мазкур Устав ва Кузатув кенгаши томонидан ўзига берилган ваколатларга мувофиқ жамиятнинг ишига раҳбарлик қилиш;

жамият номидан ишончномасиз иш юритиш ва унинг манфаатларини ифодалаш;

жамият номидан битимлар тузиш, жамиятнинг филиали ва ваколатхонаси раҳбарини тайинлаш;

жамият номидан амалдаги қонунчиликка асосан ишончномалар бериш;

ўз ваколатлари доирасида жамиятнинг самарали ва барқарор ишлашини таъминлаган ҳолда унинг жорий фаолиятига раҳбарлик қилиш;

амалдаги қонунчиликка мувофиқ жамиятда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботининг

ташкил этилиши, зарур ҳолати ва ишончлилигини, йиллик ҳисоботлар ва бошқа молиявий ҳисоботлар тегишли органларга ўз вақтида тақдим этилишини, шунингдек акциядорларга, кредиторларга ва бошқа олувчиларга юбориладиган жамият фаолияти тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилишини таъминлаш;

амалдаги қонун ҳужжатларига ҳамда жамият ички ҳужжатларига риоя қилиш.

#### **Бош директор қўйидагиларга мажбур:**

ўз ваколати доирасида жамиятнинг самарали ва барқарор ишлашини таъминлаган ҳолда унинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилиш, фақат Акциядорларнинг умумий йигилиши ва Кузатув кенгashi ваколатига киритилган масалалар бундан мустасно;

Акциядорлар умумий йигилиши ва жамият Кузатув кенгashi қарорлари бажарилишини ташкил этиш;

жамият Кузатув кенгashi қошидаги Кўмиталар тавсияларини кўриб чиқиш ва бажарилишини ташкил этиш;

жамиятда шартнома мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш;

жамият фаолиятини ривожлантириш учун зарур бўлган миқдорда фойда олинишини таъминлаш;

жамиятни ривожлантириш дастурлари ва бизнес-режалари ишлаб чиқилишига раҳбарлик қилиш, уларнинг бажарилишини ташкил этиш ва назорат қилиш;

жамият фаолиятида қонунийликни таъминлаш;

жамиятда бухгалтерия ҳисобининг ташкил этилиши, ҳолати ва ишончлилиги, тегишли органларга ҳар йилги ҳисобот ва бошқа молиявий ҳисоботлар, шунингдек жамиятнинг расмий веб-сайтида ва оммавий ахборот воситаларида акциядорларга, кредиторларга тақдим этиладиган жамият фаолияти тўғрисидаги маълумотлар ўз вақтида тақдим этилишини таъминлаш;

жамият Тафтиш комиссияси ва жамият Ички аудиторининг талабига кўра жамият молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатларни тўсиқсиз тақдим этиш;

ўз ваколатига кирувчи ишлар тўғрисидаги ахборотни Акциядорларнинг умумий йигилишига ва Кузатув кенгашига белгиланган муддатларда тақдим этиш;

қонун ҳужжатлари, жамиятнинг Ижроия органи тўғисидаги низом ва Бош директор билан тузиладиган меҳнат шартномасида кўрсатилган бошқа мажбуриятлар.

#### **Бош директорнинг ҳуқуқлари:**

қонун ҳужжатлари, жамият Устави ва Бош директор билан тузиладиган меҳнат шартномаси билан унинг ваколатига киритилган жамият жорий фаолиятига раҳбарлик қилишга доир барча масалаларни мустақил равишда ҳал этиш;

жамият номидан ишончномасиз иш юритиш, шу жумладан бошқа ташкилотлар ва органлар билан ўзаро муносабатларда унинг манфаатларини ифодалаш, банкларда жамиятнинг вакиллик, валюта ҳисобрақамлари ва бошқа ҳисобрақамлар очиш, битимлар тузиш, фақат Акциядорларнинг умумий йигилиши ва Кузатув кенгashi ваколатига киритилган битимлар тузиш бундан мустасно, мазкур Уставда келишиб олинган доирада мол-мулк ва пул маблағларини тасарруф этиш, шартнома ва контрактлар тузиш, ишончномалар бериш ва ёзишмалар олиб бориш;

баланс қиймати ёки олиш қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада жамият соф активлари миқдорининг ўн беш фоизигачасини ташкил этувчи мол-мулк хусусида йирик битим тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилиш, кундалик хўжалик фаолиятини юритиш жараёнида тузиладиган битимлар ҳамда акцияларни ва бошқа кимматли қофозларни жойлаштириш билан боғлиқ бўлган битимлар бундан мустасно.

Йирик битим жамият акциядорларининг умумий йигилиши ёки кузатув кенгashi ушбу битим бўйича қарор қабул қилганидан кейин жамиятнинг ижроия органи томонидан амалга оширилади. Бунда йирик битим тузиш тўғрисидаги қарор мол-мулкнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ баҳоловчи ташкилот томонидан белгиланган бозор қиймати ҳисобга олинган, мустақил ташкилоти томонидан битимнинг шартлари ўрганилган ҳолда мажбурий тартибда қабул қилинади.

ўз ваколатига кирувчи айрим масалаларни ҳал этишни бошқа мансабдор шахсларга – Бош директор ўринbosарларига ва таркибий бўлинмаларнинг раҳбарларига топшириш;

қонун хужжатлари, жамиятнинг Ижроия органи тўғисидаги низом ва Бош директор билан тузиладиган меҳнат шартномасида кўрсатилган бошқа хукуқлар.

11.3. Жамиятнинг Ижроия органи Акциядорларинг умумий йигилишининг қарори билан тузилади. Жамият Ижроия органининг раҳбари ўз лавозимига Кузатув кенгаши қарори билан бир йил муддатга тайинланади.

Акциядорлар умумий йигилишининг ёхуд жамият Кузатув кенгашининг қарорига кўра жамият Ижроия органи раҳбарини тайинлаш, қоида тариқасида, чет эллик менежерлар иштирок этиши мумкин бўлган танлов бўйича саралаш асосида амалга оширилади.

11.4. Жамият Бош директорининг, Ишончли бошқарувчининг хукуқ ва мажбуриятлари тегишинча қонун хужжатларида, мазкур Уставда ҳамда уларнинг ҳар бири Жамият билан бир йил муддатга тузадиган шартномада белгиланиб, шартноманинг амал килиш муддатини узайтириш ёки уни бекор қилиш мумкинлиги тўғрисида ҳар йили қарор Жамият Кузатув кенгаши томонидан қабул қилинади. Шартнома жамият номидан Кузатув кенгашининг раиси ёки Кузатув кенгаши ваколат берган бошқа шахс томонидан имзоланади.

Жамиятнинг Бош директори, Ишончли бошқарувчи билан тузиладиган шартномада уларнинг Жамият фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича мажбуриятлари ҳамда Жамиятнинг йиллик бизнес-режасини бажариш қандай бораётганлиги юзасидан акциядорларнинг умумий йигилиши ва Кузатув кенгаши олдида берадиган хисботларининг даврийлиги назарда тутилиши керак.

11.5. Жамиятнинг Бош директорига тўланадиган ҳақ микдори, шунингдек ишончли бошқарувчининг хизматларига ҳақ тўлаш шартлари жамият фаолиятининг самарадорлигига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлади ва шартномада белгиланган бўлиши керак.

11.6. Жамиятнинг Бош директори вазифаларини бошқа ташкилотларнинг бошқарув органларидағи лавозим билан биргаликда эгаллаб туришга фақат Кузатув кенгашининг розилиги билан йўл қўйилади.

11.7. Акциядорларнинг вакили сифатида харакат қилаётган ижро органи аъзолари ижро органи аъзоларини сайлаш масалалари бўйича овоз беришга хақли эмас.

## XII.ЖАМИЯТНИНГ ТАФТИШ КОМИССИЯСИ

12.1. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиш учун акциядорларнинг умумий йигилиши томонидан бир йил муддатга 3 кишидан иборат Тафтиш комиссияси сайланади.

Жамият Тафтиш комиссияси аъзоларига доир малака талаблари Акциядорларнинг умумий йигилиши томонидан белгиланади. Айни бир шахс мазкур жамиятнинг Тафтиш комиссияси таркибиға кетма-кет уч мартадан ортиқ сайланиши мумкин эмас.

Жамият Тафтиш комиссиясининг ваколат доираси қонун хужжатлари ва мазкур Устав билан белгиланади.

Тафтиш комиссияси қўйидагиларга мажбур:

Акциядорларнинг умумий йигилиши, Кузатув кенгаши, жамият Ижроия органи эътиборига амалга оширилган тафтиш ва текширишлар натижаларини ёзма хулоса, хисботлар, хабарномалар шаклида ўз вактида етказиш;

тижорат сирини сақлаш, ўз функцияларини бажаришлари пайтида Тафтиш комиссияси аъзолари фойдалана оладиган, сир сақланадиган маълумотларни эълон килмаслиқ;

жамият манбаатларига ҳақиқатда хавф таҳди迪 пайдо бўлган ёки мансабдор шахслар йўл қўйган сустеъмолликлар аниқланган тақдирда ваколатли органлардан Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йигилишини чақиришини талаб қилиш.

Тафтиш комиссияси аъзолари Акциядорларнинг умумий йигилишида иштирок этишга ва унинг иштирокчилари саволларига жавоб беришга мажбур.

Тафтиш комиссияси ўз функцияларини тегишлича бажариш мақсадида қўйидаги хукуқларга эга:

жамиятнинг ижроия органида мансабни эгаллаб турган шахслардан жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги хужжатларни олиш. Кўрсатилган ҳужжатлар ва материаллар Тафтиш комиссиясига унинг ёзма талаби олинганидан кейин уч кун мобайнида тақдим этилади;

Кузатув кенгаши Тафтиш комиссиясининг ёзма талаби бўйича Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилмаган ёки уни чақиришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилган ҳолларда қонун хужжатларида ва жамият Уставида белгиланган тартибда Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш.

12.2. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш Тафтиш комиссиясининг (тафтишчининг), акциядорлар умумий йиғилишининг, Кузатув кенгашининг ташаббусига кўра ёки жамият овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра Кузатув кенгашини олдиндан хабардор қилиш йўли билан бир йиллик ёки бошқа давр ичидаги фаолият якунлари бўйича амалга оширилади.

12.3. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш якунларига кўра Жамиятнинг Тафтиш комиссияси (тафтишчиси) хulosса тузади, бу хulosада:

Жамиятнинг ҳисботларида ва бошқа молиявий хужжатларида кўрсатилган маълумотларнинг ишонччилигига доир баҳо;

бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисботни тақдим этиш тартиби бузилганлиги, шунингдек молия-хўжалик фаолияти амалга оширилаётганда қонун хужжатлари бузилганлиги фактлари тўғрисидаги ахборот кўрсатилиши шарт.

Тафтиш комиссияси (тафтишчи) жамиятда аффилланган шахслар билан тузилган битимлар ёки йирик битимлар мавжудлиги, шунингдек қонун хужжатларининг ва жамият ички ҳужжатларининг бундай битимларни тузишга доир талабларига риоя қилиниши тўғрисидаги хulosани ҳар чорақда Жамият Кузатув кенгашининг мажлисига олиб чиқади. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш якунларига кўра жамиятнинг Тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) хulosаси Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида эшитилади.

12.4. Жамият Тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) ёзма талабига кўра Жамият ижроия органида мансабни эгаллаб турган шахслар Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги хужжатларни Тафтиш комиссиясига (тафтишчига) тақдим этиши шарт.

12.5. Жамиятнинг тафтиш комиссияси мазкур Уставга мувофиқ акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши чақирилишини талаб қилишга ҳақли.

12.6. Жамият Тафтишчиси ёки Тафтиш комиссиясининг аъзолари бир вақтнинг ўзида Кузатув кенгашининг аъзоси бўлиши, шунингдек айни шу жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаши мумкин эмас.

### XIII. ЖАМИЯТНИНГ ИЧКИ АУДИТ ХИЗМАТИ

13.1. Активларининг баланс қиймати энг кам иш ҳақи миқдорининг юз минг баробаридан кўп бўлган жамиятда ички аудит хизмати ташкил этилади. Ички аудит хизмати Кузатув кенгашига ҳисобдордир.

13.2. Жамиятнинг ички аудит хизмати жамиятнинг ижроия органи, филиаллари ва ваколатхоналари томонидан қонун хужжатларига, Уставга ва бошқа хужжатларга риоя этилишини, бухгалтерия ҳисобида ва молиявий ҳисботларда маълумотларнинг тўлиқ ҳамда ишончли тарзда акс эттирилиши таъминланишини, хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоидалари ва тартиб-таомилларига риоя этилишини, активларнинг сақланишини, шунингдек жамиятни бошқариш юзасидан қонун хужжатларида белгиланган талабларга риоя этилишини текшириш ҳамда мониторинг олиб бориши орқали жамиятнинг Ижроия органи, филиаллари ва ваколатхоналари фаолиятини назорат килади ҳамда баҳолайди. Шунингдек Ички аудит хизмати жамиятдаги ички

назоратни, шу жумладан, 50 фоиздан зиёд улуши Жамиятга тегишли бўлган юридик шахслар билан ўтказилган операциялар устидан назоратни амалга оширади.

13.3. Жамиятнинг ички аудит хизмати ўз фаолиятини, агар қонун ҳужжатларида ўзгача қоида назарда тутилмаган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибга мувофиқ амалга оширади.

#### **XIV.ЖАМИЯТНИНГ ЙИЛЛИК ҲИСОБОТЛАРИНИ ТУЗИШ, ТЕКШИРИШ ВА ТАСДИҚЛАШ ТАРТИБИ**

14.1. Жамият қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бухгалтерия ҳисобини юритиши ва молиявий ҳисобот тақдим этиши шарт.

Жамиятда бухгалтерия ҳисобининг ташкил этилиши, ҳолати ва ишончлилиги, тегишли органларга ҳар йилги ҳисобот ва бошқа молиявий ҳисоботлар, шунингдек жамиятнинг расмий веб-сайтида ва оммавий ахборот воситаларида акциядорларга, кредиторларга тақдим этиладиган жамият фаолияти тўғрисидаги маълумотлар ўз вақтида тақдим этилиши учун жавобгарлик жамият Ижроия органининг зиммасида бўлади.

14.2. Жамиятнинг молиявий ҳисоботида кўрсатилган ва акциядорларнинг умумий йигилишига тақдим этиладиган молиявий ҳисоботдаги, бухгалтерия балансидаги, фойда ва зарарлар ҳисобварагидаги маълумотларнинг ишончлилиги мулкий манфаатлари жамият ёки унинг акциядорлари билан боғлиқ бўлмаган аудиторлик ташкилоти томонидан тасдиқланган бўлиши керак.

14.3. Жамиятнинг йиллик ҳисоботи Акциядорларнинг йиллик умумий йигилиши ўтказиладиган санадан ўн кундан кечиктирмай Кузатув кенгashi томонидан дастлабки тарзда тасдиқланиши лозим.

Жамият Халқаро молиявий ҳисбот стандартларига мувофиқ тузилган йиллик молиявий ҳисоботни у Халқаро аудит стандартларига мувофиқ ташки аудитдан ўтказилганидан кейин, акциядорларнинг йиллик умумий йигилиши ўтказиладиган санадан камида икки ҳафта олдин эълон қилиши шарт.

#### **XV.ЖАМИЯТНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТУГАТИШ ТАРТИБИ**

15.1. Жамиятни қайта ташкил этиш амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ маҳсус ваколатли давлат органининг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда бериладиган руҳсатномасига кўра акциядорлар умумий йигилишининг қарори асосида амалга оширилади.

Қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда жамият қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш, ўзгартириш шаклида қайта ташкил этиш мумкин.

Қайта ташкил этиш натижасида янгидан вужудга келган юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиши ҳамда қайта ташкил этилган юридик шахсларнинг фаолияти тугатилганлиги тўғрисидаги ёзувни киритиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

15.2. Жамиятнинг тугатилиши хуқук ва мажбуриятларни хуқуқий ворислик тартибида бошқа шахсларга ўтказмаган ҳолда жамият фаолиятини тугатишга сабаб бўлади.

Жамият ихтиёрий равишда тугатилган тақдирда тугатувчини тайинлаш масаласи Акциядорларининг умумий йигилиши қарори билан қабул қилинади.

Жамият суднинг қарорига кўра тугатилаётганда тугатувчини тайинлаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Жамият тугатилганда барча кредиторларнинг манфаатларига риоя килинади.

Тугатилаётган жамиятнинг кредиторлар билан ҳисоб-китоблардан кейин қолган мол-мулки тугатувчи томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ акциядорлар ўртасида тақсимланади.

15.3. Рўйхатдан ўтказувчи орган юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига тегишли ёзувни киритган пайтдан эътиборан жамиятни тугатиш тамомланган, жамият эса

фаолиятини тугатган деб хисобланади.

Рўйхатдан ўтказувчи орган жамият тугатилганлиги ҳақидаги тегишли ёзувни факат жамиятнинг қимматли қоғозлари чиқарилишлари давлат рўйхатидан ўтказилганлиги бекор қилинганидан кейингина киритади.

## **XVI.ЖАМИЯТ ТОМОНИДАН АКЦИЯЛАРНИ ЖОЙЛАШТИРИШ ТАРТИБИ ВА ШАРТЛАРИ**

16.1. Жамият ўзи чиқараётган акцияларга уларни оммавий жойлаштириш йўли билан қонун ҳужжатлари талабларини ҳисобга олган ҳолда очиқ обуна ўтказишга ҳақли.

Жамият ўзи чиқараётган акцияларга уларни хусусий жойлаштириш йўли билан ёпиқ обуна ўтказишга ҳақли, ёпиқ обуна ўтказиш имконияти қонун ҳужжатларида чеклаб кўйилган ҳоллар бундан мустасно.

Акциядорлар ўзларига тегишли акцияларни бошқа акциядорларнинг ва Жамиятнинг розилигисиз ўзга шахсга беришга ҳақли, қонун ҳужжатларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

16.2. Жамиятни таъсис этишда унинг акциялари ҳақини тўлаш Жамият муассислари томонидан акцияларнинг номинал қиймати бўйича амалга оширилади.

Акцияларни жойлаштириш, шу жумладан акциядорлар ўртасида жойлаштириш тўғрисида қарор қабул қилишда акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархи Кузатув кенгаши томонидан қимматли қоғозлар савдоси ташкилотчиларининг савдо майдончаларида вужудга келаётган нархлар конъюнктурасидан келиб чиқсан ҳолда белгиланади.

Жамиятнинг кўшимча акциялари ва бошқа қимматли қоғозларини жойлаштириш чоғида уларга ҳақ тўлаш уларни чиқариш тўғрисидаги қарорда белгиланганидан кам бўлмаган нарх бўйича амалга оширилади.

Жамиятнинг устав фонди (устав капитали) кўпайтирилаётганда жамиятнинг кўшимча акцияларига унинг ўз капитали ҳисобидан, шунингдек ҳақини кўшимча акциялар билан тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган дивидендлар ҳисобидан ҳақ тўланган тақдирда, бундай акцияларни жойлаштириш жамият акцияларининг номинал қиймати бўйича амалга оширилади.

16.3. Жамият ўзи жойлаштирган акцияларни Акциядорлар умумий йиғилишининг жойлаштирилган акцияларнинг бир қисмини олиш ва ушбу акцияларнинг умумий сонини камайтириш йўли билан жамият устав фондини (устав капиталини) камайтириш тўғрисидаги қарорига кўра, шунингдек уларни кейинчалик белгиланган тартибда қайта сотиш мақсадида Кузатув кенгашининг қарорига кўра олишга ҳақли.

Агар муомалада қолган акцияларнинг номинал қиймати жамият устав фондининг (устав капиталининг) қонун ҳужжатларида акциядорлик жамияти белгиланган учун устав фондининг (устав капиталининг) энг кам микдоридан камайиб кетадиган бўлса, жамият жойлаштирилган акцияларининг умумий сонини камайтириш мақсадида уларнинг бир қисмини олиш йўли билан жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) камайтириш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли эмас.

Акциядорлар умумий йиғилишининг акцияларнинг умумий сонини камайтириш мақсадида уларни олиш йўли билан жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) камайтириш тўғрисида қабул қилинган қарори асосида жамият томонидан олинган акциялар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бекор қилинади.

16.4. Акцияларни олиш тўғрисидаги қарорда олинадиган акцияларнинг турлари, жамият оладиган ҳар бир турдаги акцияларнинг сони, акцияларни олиш нархи, акциялар ҳақини тўлаш шакли ва муддати, шунингдек акциялар қанча муддатда олиниши белгилаб кўйилиши керак.

Акцияларни олиш вактида уларга ҳақ тўлаш пул маблағлари билан амалга оширилади. Акцияларни олиш муддати акцияларни олиш тўғрисидаги қарор билан белгиланади, бу муддат ўн кундан кам бўлмаслиги керак. Жамият томонидан оддий акцияларни олиш нархи уларнинг бозор қийматига мувофиқ белгиланади.

Қайси муайян турдаги акцияларни олиш тұғрисида қарор қабул қилинган бўлса, ўша акцияларнинг эгаси бўлган ҳар бир акциядор мазкур акцияларни сотишга ҳақли, Жамият эса уларни олиши шарт. Агар жамият томонидан олиниши тұғрисида акциядорларнинг аризалари тушган акцияларнинг умумий сони қонун ҳужжатларида белгиланган чекловлар ҳисобга олинган ҳолда жамият олиши мумкин бўлган акцияларнинг сонидан ортиқ бўлса, акциядорлардан аризада кўрсатилган талабларга мутаносиб равища акциялар олинади.

Акциялар олинадиган муддат бошланишига кечи билан ўн кун қолганда жамият муайян турдаги акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларни жамият томонидан акциялар олиниши тұғрисида оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш ва ўз расмий веб-сайтида жойлаштириш орқали хабардор этиши шарт. Билдиришда ушбу банднинг биринчи қисмida кўрсатиб ўтилган маълумотлар бўлиши лозим.

Имтиёзли акцияларни олиш мазкур Уставда назарда тутилган нарх бўйича амалга оширилади.

Жамият тасарруфига ўтган акциялар овоз бериш ҳукуқини бермайди, овозларни санаб чиқишида ҳисобга олинмайди, улар бўйича дивидендлар ҳисоблаб чиқарилмайди.

Кейинчалик қайта сотиш мақсадида жамият тасарруфига ўтган акциялар улар жамият тасарруфига ўтган пайтдан эътиборан бир йилдан кечиктирмай реализация қилиниши керак, акс ҳолда Акциядорларнинг умумий йиғилиши жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) камайтириш тұғрисида қарор қабул қилиши лозим. Кўрсатилган муддатда реализация қилинмаган акциялар бекор қилиниши керак.

Жамият томонидан ўз акцияларининг олиниши, агар қонун ҳужжатларида бошқача коида белгиланмаган бўлса, мустақил равища ёки қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари орқали амалга оширилади.

Жамият ўзи чиқарган акциялар бўйича уларни қайтариб сотиб олиш шарти билан битимлар тузишга, шунингдек ўзи чиқарган акцияларни ишончли бошқарувга беришга ҳақли эмас.

#### 16.5. Жамият ўзининг жойлаштирилган оддий акцияларини:

Жамиятнинг бутун устав фонди (устав капитали) батамом тўлангунига қадар;

агар оддий акцияларни олиш пайтида жамиятда банкротлик белгилари мавжуд бўлса ёки бундай белгилар у акцияларни олганлиги натижасида пайдо бўлса;

агар оддий акцияларни олиш пайтида жамият соф активларининг қиймати унинг устав фондидан (устав капиталидан), захира фондидан ва жойлаштирилган имтиёзли акцияларнинг мазкур Уставда белгиланган тугатиш қийматининг номинал қийматидан ортиқ қисмидан кам бўлса ёхуд акцияларни олиш натижасида уларнинг миқдоридан камайиб кетса, олишга ҳақли эмас.

қонун ҳужжатларига мувофиқ қайтариб сотиб олиш тұғрисида талаб қўйилган ҳамма акциялар қайтариб сотиб олинмагунига қадар жамият жойлаштирилган акцияларни олишга ҳақли эмас.

#### 16.6. Овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар:

жамиятни қайта ташкил этиш тұғрисида;

жойлаштирилган акцияларни йириклаштириш ҳақида;

қонун ҳужжатларига мувофиқ жамият томонидан мол-мulkни олиш ёки бошқа шахсга бериш билан боғлиқ йирик битим тузиш тұғрисида;

Мазкур Уставга овоз берувчи акциялар эгалари бўлган акциядорларнинг ҳукукларини чекловчи ўзgartиши ва қўшимчалар киритиш ёки янги таҳрирдаги Уставни тасдиқлаш тұғрисида Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қарорлар қабул қилишда, агар улар қарши овоз берган бўлса ёхуд овоз беришда узрли сабабларга кўра иштирок этмаган бўлса, ўзларига тегишли акцияларнинг ҳаммаси ёки бир қисми жамият томонидан қайтариб сотиб олинишини талаб қилишга ҳақлидир.

Ўзларига тегишли акциялар жамият томонидан қайтариб сотиб олинишини талаб қилиш ҳукуқига эга бўлган акциядорларнинг рўйхати овоз бериш натижасида қонун ҳужжатларига мувофиқ акцияларни қайтариб сотиб олишни талаб қилиш ҳукуқи юзага келиши мумкин бўлган масалалар кун тартибиға киритилган Акциядорлар умумий йиғилишида иштирок этиш ҳукуқига эга бўлган жамият акциядорлари реестрининг

маълумотлари асосида тузилади.

Жамият томонидан акцияларни қайтариб сотиб олиш ушбу акцияларнинг бозор қиймати бўйича амалга оширилади, бу қиймат жамиятнинг акцияларни қайтариб сотиб олишни талаб қилиш ҳуқуқи юзага келишига сабаб бўладиган ҳаракати натижасида қийматнинг ўзгариши ҳисобга олинмаган ҳолда аниқланади.

Жамият акцияларининг 50 ва ундан ортиқ фоизи эгасига айланган шахс, агар у бунгача мазкур жамият акцияларига эгалик қилмаган ёки акцияларининг 50 фоизидан камроғига эгалик қилган бўлса, қолган акциялар эгаларига акцияларни бозор қиймати бўйича ўзига сотишлари борасидаги таклифини ўттиз кун ичидаги эълон қилиши шарт. Акциядорнинг ўзига тегишли акцияларни сотиши тўғрисидаги ёзма розилиги эълон қилинган кундан эътиборан ўттиз кун ичидаги олинган тақдирда, жамиятнинг 50 ва ундан ортиқ фоиз акциялари эгаси мазкур акцияларни сотиб олиши шарт.

## **XVII. ЖАМИЯТНИНГ МИНОРИТАР АКЦИЯДОРЛАРИ ҚЎМИТАСИ**

17.1. Миноритар акциядорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида Жамиятда уларнинг орасидан миноритар акциядорларнинг қўмитаси ташкил этилиши мумкин.

17.2. Миноритар акциядорлар қўмитасининг таркибига номзодлар бўйича таклифлар жамиятга Кузатув кенгашига номзодлар бўйича таклифлар киритиш учун назарда тутилган тартибда ва муддатларда киритилади.

17.3. Миноритар акциядорлар қўмитасининг аъзоларини сайланашда Акциядорларнинг умумий йиғилишида ҳозир бўлган ва Кузатув кенгашига номзодлар кўрсатмаган ёхуд Акциядорларнинг ўтказилаётган умумий йиғилишида Кузатув кенгашига номзодлари сайланмаган акциядорлар иштирок этади.

Миноритар акциядорлар қўмитасининг таркибига жамиятнинг ижроия органи раҳбари, шунингдек Кузатув кенгашига ва Тафтиш комиссиясига (тафтишчиси этиб) сайланган шахслар кириши мумкин эмас.

17.4. Миноритар акциядорлар қўмитасининг ваколатига қўйидагилар киради:

акциядорларнинг умумий йиғилиши ёки Кузатув кенгаши кўриб чиқиши учун киритилаётган йирик битимлар ва аффилланган шахслар билан битимлар тузишга оид масалалар бўйича таклифлар тайёрлашда иштирок этиш;

миноритар акциядорларнинг ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ мурожаатларини кўриб чиқиш;

қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органига миноритар акциядорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисида мурожаатлар киритиш;

қонун ҳужжатларига ва ушбу Уставга мувофиқ бошқа масалаларни кўриб чиқиш.

17.5. Миноритар акциядорлар қўмитасининг қарорлари оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади. Миноритар акциядорлар қўмитасининг мажлислари унинг микдор таркибига сайланган шахсларнинг камидаги тўртдан уч қисми ҳозир бўлганда ваколатлидир.

17.6. Миноритар акциядорлар қўмитаси аъзоларининг сони 3 кишидан иборат бўлади.

17.7. Миноритар акциядорларнинг қўмитаси қабул қилинган қарорлар тўғрисида ҳар йили Акциядорларнинг умумий йиғилишида ҳисбот беради.

17.8. Миноритар акциядорлар қўмитасининг раиси ушбу қўмита таркибидан миноритар акциядорлар қўмитасининг аъзолари томонидан кўпчилик овоз билан сайланади.

Миноритар акциядорлар қўмитасининг раиси Миноритар акциядорлар қўмитасининг ваколат доирасига киритилган барча масалалар бўйича жамиятнинг ҳужжатларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

17.9. Миноритар акциядорлар қўмитасининг фаолият кўрсатиш тартиби қимматли

коғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланади.

17.10. Миноритар акциядорлар қўмитаси жамиятнинг хўжалик фаолиятига аралашишга ҳақли эмас. Миноритар акциядорлар қўмитасининг фаолиятига Кузатув кенгашининг ёки ижроия органининг аралашувига йўл қўйилмайди.

### **XVIII.ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР**

18.1. Устав қоидаларидан бирортаси кучини йўқотган тақдирда, бундай кучини йўқотиш Уставнинг бошқа қоидаларига таъсир кўрсатмайди.

18.2. Устав белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб кучга киради ва жамият тугатилгунга ёки мазкур Уставининг янги таҳрири кучга киргунга қадар амал қиласди.

18.3. Мазкур Устав билан тартибга солинмаган масалалар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни (янги таҳрири) ва бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Прошнуровано и пронумеровано  
на 27 листах

